

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ БЕҲИ БОҒЛАРИДА ОДДИЙ ЎРГИМЧАККАНА (*TETRANYCHUS URTICAE* КОСН) НИНГ БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ, ЗАРАРИ ВА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

Сафаров Муртоза Абсаломович

Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети

“Ўсимликлар ҳимояси, агрокимё ва агротупроқшунослик” кафедраси катта ўқитувчиси, қ.х.ф.ф.д. (PhD),
ORCID: 0009-0006-9634-0959

Аннотация. Мақолада ўргимчаккананинг биоэкологияси, қишлоғга кетиши, қишги диапаузадан чиқиши, озиқланиши, авлод бериши, тухумлари сони, зарари, ўргимчаккана ва акарифагларнинг нисбати бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилганлиги ҳақида сўз юритилган.

Калим сўзлар: оддий ўргимчаккана, зараркунанда, ҳаммахўр, овал, йўлакча, тухум, личинка, инсектоакарицид.

Аннотация. В статье рассматриваются научные исследования, проведенные по биоэкологии вредный, их спячке, выходу из зимней диапаузы, питанию, размножению, количеству яиц, вредоносности, а также взаимоотношениям вредный и акарифагов.

Ключевые слова: паутинные клещи, вредитель, всеядный, овал, коридор, яйцо, личинка, инсектоакарицид.

Abstract. The article examines scientific studies conducted on the bioecology of pests, their hibernation, emergence from winter diapause, nutrition, reproduction, number of eggs, harmfulness, as well as the relationship between pests and acariphages.

Keywords: *Tetranychus urticae* Koch, harmful, omnivorous, oval, corridor, egg, larva, insectocaricide.

Кириш. Республикаимизнинг мевали боғлар агробиоценозидаги асосий зараркунандаларнинг бири боғ ўргимчакканалари ҳисобланади.

Кўпчилик муаллифларнинг фикрича, ўргимчакканалар илмий асосланмаган муддатларда кимёвий ишлов берилган боғларда асосий зараркунанда сифатида учраши кўп бора қайд этилган.

Бизнинг кузатувларимизда Сурхондарё вилояти шароитида етиштирилаётган беҳи боғларидаги 2021–2023 йиллар давомида ўсимликхўр каналарнинг 2 тури учраши аниқланди. Булар оддий ўргимчаккана (*Tetranychus urticae* Koch) ва Қизил дўлана канаси (*Amphyttetranychus viennensis* Zacher).

Беҳи боғларида асосий зараркунандалари ичида энг хавфлиларидан бири бу оддий ўргимчакканадир. Зараркунанда айрим йилларда беҳизорларда етиштирилаётган ҳосилнинг катта қисми йўқолишига сабаб бўлади. Умуман олганда ўргимчаккананинг зарари натижасида ҳар йили мевали боғлар ҳосили сезиларли даражада камаяди.

Ўргимчаккана – ҳаммахўр зараркунанда бўлиб, у 248 турдаги ўсимликлар билан озиқланади. Айниқса, мевали ва манзарали дарахтлардан ташқари маккажўхори, ғўза, соя, ерёнгоқ, мош, кунжут, олма экинларини зарарлайди.

Ўргимчаккана жуда майда зараркунанда бўлиб, уни оддий кўз билан кўриш қийин. Лупа орқали кўрилганда тана овалсимон бўлиб, 0,4–0,6 мм катталиқда. Ёз ойларида ўргимчаккана сарғиш–яшил, эрта баҳорда ва кеч кузда қизғиш рангда бўлади. Ўргимчаккананинг оталанган урғочилари сентябр ойи охирида қишлоғга кета бошлайди. Бу вақтда ўргимчаккана қизғиш ранга кириб озиқланишдан тўхтайдди. Ўргимчаккана асосан кузда қаерда кўп ривожланиб тарқалган бўлса, ўша ерда қишлоб қолади, жумладан ғўзапоя ва унинг қолдиқларида, ҳайдовда ҳосил бўлган катта–катта кесаклар остида, тут дарахтлари пўстлоғи ва каллакларида, дарахтлар

тагида, йўл қирғоқлари ва ариқ–зовурлар бўйларидаги кенг баргли ўтлар қолдиқларида қишлоб чиқади. Қишлоғга кирган ўримчакканага совуққа ўта чидамли бўлиб, сернам жойларда совуқ–20°C бўлганда атиги бир икки донаси нобуд бўлади. Бу зараркунанда қишлоғдан жуда барвақт март ойида ўртача суткалик ҳаво ҳарорати 7–8°C дан юқори бўлганда чиқади.

Беҳизорларни бу зараркунанда билан кўплаб зарарланиши ва тарқалиши кеч баҳордан бошланади. Чунки бу даврда ниҳоллар ўсиб ривожланиб барглари бир–бирига киришиб қолиши ўргимчакканани ҳаракатланиб юришига “йўлакча” ҳосил қилиб дарахтларнинг бирдан бошқасига ўтишга имконият яратади.

Ўргимчаккананинг катта ва кичик ёшдагиси ҳам баргнинг орқа томонидаги барг оғизчаларидан ўсимлик ширасини сўриб зарар келтиради. Барг орқасига жойлашиб олган ўргимчаккана аввал ипларидан тўрлар ҳосил қилиб, ўзини ҳимоя қилиб ривожланишига шароит яратади, сўнг шу ерни ўзида тухум қўя бошлайди. Зараркунанда ўз ҳаёти давомида ўртача 150–180 дона, айрим вақтда эса 300–400 донагача тухум қўяди.

Материаллар ва услублар. Тадқиқотларимиз Сурхондарё вилоятининг боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида олиб борилди. Зараркунандалар ва уларнинг табиий қушандаларини ҳисобга олиш ишлари умумқабул қилинган услублар асосида бажарилди. Олинган маълумотларнинг математик ишлови дисперсион таҳлил услуби ҳамда алоҳида ҳолатларда «ўртача хатоликни» ҳисобга олувчи касрий усул асосида амалга оширилди ҳамда математик ва статистик ишлов услублари ёрдамида бажарилди. Вариантлар ўртасидаги энг кичик фарқ Б.А.Доспехов томонидан тузилган услуб асосида ҳисобланди ва компютерда қайта тасдиқланди.

Натижалар ва мунозара. Эрта баҳорда тухумдан чиққан личинкалар ривожланиб, 7–10 кунда, ёз ойларида эса 2–5

Ўргимчаккана билан зарарланган беҳи боғларида ривож ва ҳосилига таъсири Сурхондарё вилояти 2021–2023 йй.

Кузатув ўтказилган йиллар	Зарарланиш даражаси, %	Ўртача 1 га дан олинган ҳосил, ц/га.		Ўртача 1 йиллик новда узунлиги, см.	
		Кузатув йилида	2022 йилга нисбатан камайиши	Кузатув йилида	2022 йилга нисбатан камайиши
2021	16,4	115,4	–	28,9	–
2022	13,2	90,8	+28,9	21,3	–8,1
2023	11,5	113,8	+13,1	308	+2,8

Нурелл микс, 55% эм.к. (Cypermethrin-chlorpyrifos) препарати билан ишлов берилганда ўргимчакканалар ва акарифаглар нисбатининг ўзгариши (Сурхондарё вилояти 2021–2023 йй)

Вариантлар	Ҳисоб кунлари	Ўртача 1 баргдаги сони		1 та кушандага нисбатан кана сони
		акарифаглар	каналар	
Назорат	26. 06	0,3	22	1:116,0
	10. 07	4,1	307	1:93,5
	18. 07	4,9	289	1:55,6
	Ишлов берилгунча			
Тажриба	18. 06	2,9	284,7	1:97,2
	Ишлов берилгандан кейин			
	26. 06	0	12,9	0:13,1
	10. 07	0,4	7,9	1:20,2
	18. 07	1,1	25,9	1:24,6

кунда етук ўргимчакканага айланади. Ҳаво ҳароратидан келиб чиқиб ўргимчаккана 7–18 кунда бир марта авлод беради. Бу зараркунанда боғларда ўртача 17–20 марта бўгин беради.

Табиатан ўргимчаккана яхши озикланмаган, тагига ишлов берилмаган, сувсизликдан ҳолсизланиб ўсиш ва ривожланишдан орқада қолган, дарахтларни биринчи навбатда зарарлайди.

Ўргимчаккана билан зарарланган дарахтлар соғломига нисбатан ўсиш ва ривожланишдан орқада қолади.

Ўргимчаккана ўсимликларнинг ҳаёт фаолиятини ўзгартиради, яъни баргдаги фотосинтез фаолиятини ва модда алмашинувини бузиб, ўсимликнинг қуриб қолишига сабаб бўлади.

2021–2023 йилларда кузатилган беҳи боғларда ўртача ҳосилдорлик 108,7–116,5 ц/га. ни ташкил қилди. Сурхондарё вилоятининг Бандихон туманидаги “Чинор Бандихон” фермер хўжалигининг 1,8 га. беҳи боғида (Серҳосил (изабел), Самарқанд нави) 2021 йилда беҳи дарахтларининг ўргимчакканалар билан 16,4% зарарланган бўлиб, ўртача 1 гектардан 115,4 центнер ҳосил олинди. 2022 йилда кузатувдаги майдонлардаги беҳи боғлари 13,2% ўргимчакканалар билан зарарланган, натижада олинган ҳосил миқдори 90,8 ц/га. ни ташкил қилиб, ўтган йилгидан 24,6 ц/га. кам ҳосил олинди.

Бунда, 2022 йилда нисбатан новданинг ўсиши 2021 йилга

нисбатан 28,9 см. узун бўлганлиги кузатилди. 2023 йилда эса мевали дарахтларнинг зарарланиши яна ортиб 11,5%, ни ташкил қилди. Ҳосил эса 113,8 ц/га. ни ташкил қилди. Шундай қилиб, беҳи боғларида ўргимчакканаларнинг аҳамияти юқори бўлиб, кураш ўтказилмаганда, ҳосилдорликка ва унинг ривожланиш босқичлари орқада қолиши кузатилди (1-жадвал).

Илмий тажрибалар инсектоакарицидларнинг беҳи боғлари агробиоценозидаги табиий кушандаларга салбий таъсир қилишини ўргандик. Юқоридаги жадвалда илмий тадқиқот натижалари келтирилган (2-жадвал). Жадвал ҳисобидан маълум бўлдики, назорат вариантыда канахўрларнинг нисбати назорат вариантыдаги дарахт баргларида 1:116,0, 1:93,5 ҳамда 1:55,6 бўлди. Яъни, барча илмий тажриба вариантларда канахўрларнинг зичлиги ўргимчакканаларни иқтисодий безарар даражагача камайтириш имконига эга эмас экан. Шунинг учун, албатта бирорта самарали препаратлар ишлатишга эҳтиёж бўлар экан.

Хулоса қилиб айтганимизда, кимёвий препаратлар фитофаг каналарнинг сонини камайтириши билан бирга уларнинг табиий кушандаларини ҳам нобуд қилади. Бунда ўргимчаккана колонияларининг кимёвий ишловдан кейинги сонининг тикланиши фойдали кушандалардан тезроқ амалга ошади. Агар қарши курашилмаса канахўр кушандалар табиатда ўсимликхўр каналар сонини хўжалик учун безарар даражага олиб кела олмайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. (Ш.Т.Хўжаев таҳрири остида). –Тошкент, 2004. – 103 б.
2. Рахмонова М., Расулов У. – Мевали дарахтларни зараркунандалардан ҳимоя қилишда биологик усулнинг аҳамияти / Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. № 7, –Тошкент, 2018, 35–36 бет.
3. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркунандалардан уйғунлашган ҳимоя қилишнинг, замонавий усул ва воситалари. – Т. 2015. «Navroz» –нашриёти –Б. 317–322
4. Шукуров Х. Мавсумда боғларда ўтказиладиган тадбирлар мажмуи. Ўзбекистон аграр фани хабарномаси. 2011. – Б. 124–126.
5. Терехов В.И., Афонин С.П. Статистическая оценка результатов испытаний пестицидов и их смесей.–М.: МСХ СССР, 1971.–115 с.
6. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта.- М. Колос, 1979,-312 с.